



Tadqiqot.uz

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



No 18  
31 июль

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
9 -ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
18-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ- 9**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
18-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART- 9**

**ТОШКЕНТ-2020**

## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

<b>1. Фаррух Файзиев Абдуллахожаевич</b>	
НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ РАСШИРЕНИЯ ДОХОДОВ МЕСТНОГО БЮДЖЕТА .....	8
<b>2. X.Xudayarova</b>	
INNOVATSION RIVOJLANISHNISHDA QO'LLAB QUVVATLOVCHI IMKONIYATLAR VA DUCH KELINADIGAN MUAMMOLAR.....	11
<b>3. Абдурахимова Гулчирой Махамматжон қизи</b>	
ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛANIШINI TAЪMINLAШДА RAҚAMLI ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ .....	13
<b>4. Беркинов Бозорбай</b>	
МАҲАЛЛА КОМПЛЕКСИНИ ҚУРИШ ВА ОИЛА ТАДБИРКОРЛИГИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	15
<b>5. Карабекян Светлана Хамдамовна, Базарова Маира Хамдамовна</b>	
РОЛЬ ИННОВАЦИИ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ .....	18
<b>6. Лапасова Санобар Убайдуллаевна</b>	
ЎЗБЕКИСТОНДА RAҚAMLI ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ .....	20
<b>7. Шакирова Гўзал Абрашовна</b>	
МАҲАЛЛА ФАРОВОНЛИГИ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ .....	22
<b>8. Шакирова Гўзал Абрашовна</b>	
ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	25
<b>9. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Нихола Тоҳир қизи</b>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДОНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	27
<b>10. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Нихола Тоҳир қизи</b>	
ТАШҚИ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ .....	32
<b>11. Odilova Sitora Sayfitdin</b>	
THE CURRENT POSITION OF THE JUICE AND JUICE MARKET AND ITS HISTORICAL DEVELOPMENT. ....	36
<b>12. Авезова Шахноза Махмуджановна</b>	
ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УПРАВЛЕНИЯ ТРУДОВЫМИ РЕСУРСАМИ.....	38
<b>13. Раджабова Гавхар Умаровна, Абдуллаев Абдулходи Абдулла ўғли</b>	
РАҚAMLI ИҚТИСОДИЁТДА МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА КАДРЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИ .....	41
<b>14. Махамматова Хилола Эгамбердиевна,</b>	
<b>Абдурахимова Гулчирой Махамматжон қизи</b>	
ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛANIШIDA ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ .....	46
<b>15. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Нихола Тоҳир қизи</b>	
ТОВАРЛАР ТАШҚИ САВДОСИ: ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ.....	49
<b>16. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Нихола Тоҳир қизи</b>	
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАъСИРИ.....	52
<b>17. Jumaniyazova Sharifa Rashidovna, Allanazarov Otaxon Bayramboyevich</b>	
O'ZBEKISTON TURIZMI SOHASIDA МЕНМОНХОНА ХО'JALIGINING RIVOJLANISH HOLATI. (Xorazm viloyati misolida) .....	55
<b>18. Maxmudov Dostonbek Soyibjon o'g'li</b>	
KEYNESIAN MODEL AND THE MODERN ECONOMY .....	57
<b>19. Шукуров Акмал Укташевич, Жабборов Элбек Эркин ўғли</b>	
ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМЛАРИДА ВИРТУАЛ САВДО МАЙДОНЛАРИ .....	58
<b>20. Шукуров Акмал Укташевич, Жабборов Элбек Эркин ўғли</b>	
ОНЛАЙН ВА ОФЛАЙН РЕКЛАМАНИНГ РИВОЖЛANIШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	60



## COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНинг ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ.

**Юлдашев Элдор Илхомжонович**  
**ТДИУ 1-босқич докторанти**  
**Телефон: +998(98)3630506**  
**e.yuldashev@tsue.uz**

**Юлдашева Нухола Тоҳир қизи**  
**Ўзбекистон МУ 4-босқич талабаси**  
**nihola.yuldasheva98@mail.ru**

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти таркиби ва ривожланиши таҳлил қилиниб, пандемиянинг заарли оқибатларини ўрганиш, уни юмишатиш ва бартараф этиши бўйича кўрилиши керак бўлган чора-тадбирлар тўғрисидаги тақлифларим келтирилган.

**Таянч иборалар:** Иқтисодиёт тармоқлари, саноат, ялпи ички маҳсулот, инфляция даражаси, аҳоли даромади, халқаро савдо, ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт, экспорт таркиби, хизматлар экспорти.

### Кириш.

Дунё иқтисодиёти ривожланишига глобал даражада заар келтираётган COVID-19 Корона вируси халқаро интеграциялашувда ўзининг янги даврини бошлаган миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳаларига ўзининг салбий оқибатларини келтирди. Жаҳон бозоридаги кучли рақобатга мослашиб, унда ўзининг ўрнини эгаллаш учун шиддатли ҳаракатини бошлаган ва барча соҳаларда бозор муносабатларининг асл кўринишларини янада ривожлантираётган мамлакатимизда иқтисодий қийинчиликлар ҳар бир соҳада кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг кўп тармоқли саноат ва қишлоқ хўжалиги, турли хизматлар кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши учун иқтисодий-хукуқий жиҳатдан кенг қулайликлар ва шароитлар яратилиб келиниши натижасида миллий иқтисодиётимизнинг ўзига хос шиддатли ривожланиш тенденциясига эришишига пандемия жуда юқори даражадаги салбий таъсир кўрсатмоқда. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилганлиги ва унга изчиллик билан амал қилинмоқда. Ҳаракатлар стратегиясининг III-устувор йўналиши - “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эркинлаштириш ва уларга кенг қулайлик ва имкониятлар яратиш асосий мақсад қилиб қўйилган бўлиб, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хукуқини химоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилиармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларининг қатъий олдини олиш” – бўйича алоҳида ислоҳотлар амалга оширилиши белгилаб қўйилган (Тўплам, 2017). Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юксалиши натижасида аҳолининг фаровонлиги ортади, ишсизлик муаммосига ижобий таъсир кўрсатилган бўлади.

### Адабиётлар шархи.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий салоҳиятидан кенг фойдаланиши ва имкониятларини тўғри баҳолаш, соҳаларга ислоҳотларни манзилли йўналтирилиши ва иқтисодиётда шаффофликни оширилиши, валюта тизимини ислоҳ қилиниши ва ташқи савдо амалиётларини шартларини енгиллаштирилиши натижасида ўтган йиллар давомида юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришилди. Буни “Тараққиёт стратегияси маркази”нинг расмий сайтида Ўзбекистоннинг номи халқаро майдонда тез-тез юқори даражада эътироф этилмоқда. Масалан, Буюк Британиянинг “The Economist” ҳафталик журнали ўтган йили юртимизни «Йил давлати» сифатида эътироф этди. Американинг “Narger’s Bazaar” нашри эса, 2020 йилда албатта саёҳат қилиш лозим бўлган 20 та энг яхши йўналиш рўйхатида Ўзбекистонни биринчи ўринга лойиқ, CNN Travel сайти 2020 йилда саёҳат учун энг яхши жой, деб топилганлиги тўғрисидаги маълумоти орқали ҳам билишимиз мумкин<sup>1</sup> (2020 йил).

<sup>1</sup> <https://www.worldbank.org/en/country/uzbekistan/overview> сайт маълумотлари асосида.



Дунё эътибор марказига айланишга эриша олган мамлакатимиздаги ўзгаришлар хукуматимиз томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар натижаси хисобланади. Буни Жаҳон банкининг Ўзбекистон хукумати бозор иқтисодиётiga барқарор ўтиш, давлат институтларини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг иштироки ва инсон капиталига инвестицияларни йўналтиришга йўналтирилган дадил ислоҳотларни давом еттироқда, буларнинг барчаси иқтисодий ўсишни таъминлаш ва фуқаролар ҳаётини яхшилаш учун муҳим эканлигини эътироф этганидан ҳам билишимиз мумкин. (2020 йил)<sup>1</sup>.

Nordea Trade Portalининг интернет сайтида<sup>2</sup>(2020) Ўзбекистон бозори иқтисодиёти соҳасида улкан ислоҳотларни амалга ошироқда. Инвестицияларнинг ўсиши ва истеъмолнинг ўсиши 2019 йилда ЯИМнинг 5,6% гача ўсишига олиб келди. Саноат объектлари, инфратузилма (газ, гидроэлектростанциялар, йўллар ва уй-жойлар), шунингдек, майший истеъмол харажатлари (ЯИМнинг 50% дан ортифи) га йўналтирилган давлат инвестициялари ўсишни таъминлади.

#### **Тадқиқот методологияси.**

Миллий иқтисодиётни ривожланиш тенденцияларини, таркибий ўзгаришларин энг муҳим хусусиятларини ўрганиб, таҳлил қилиб, иқтисодий кўрсаткичларни статистик гурӯҳлаб, мантиқий фикрлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Мамлакатимиз иқтисодиёти ўтган йиллар давомида ўзининг барқарор ўсиш кўрсаткичларига эришиб келди. Иқтисодиётнинг ўсиши асосан нималарда намоён бўлади ва нималарга боғлиқ хисобланади? Иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши, асосан, унинг микдор ва сифат ўзгаришлари, таркибий тузилмалардаги ўзгаришлар, умуман олганда, макроиқтисодий кўрсаткичларининг доимий ўсиш тенденциясига эришиши назарда тутилади. Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларидан бири сифатида, 2019 йил якунларига кўра мамлакатимизда 511838,1 млрд.сўм ЯИМ ишлаб чиқарилган бўлиб, қўйидаги 1-жадвалда унинг ўтган 3 йил давомида ўсиш кўрсаткичлари келтирилган:

#### **1- жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ ўсиш динамикаси<sup>3</sup>.**

	2017 йил	2018 йил	2019 йил
ЯИМ (трлн.сўм)	302,5	406,6	511,8
Аҳоли жон бошига (млн.сўм)	9,3	12,3	15,2
Аҳоли сони (минг киши)	32 389	32 956	33 581

Юқоридаги жадвал маълумотлари охирги 3 йилда ЯИМнинг барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлганлигин кўрсатади. Йиллар давомида аҳолининг табиий ўсишига қарамай аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ мос равишда ўсиш тенденциясини сақлаб қолган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайтида келтирилган маълумотларга асосан қўйидаги жадвал орқали мамлакатимизда иқтисодий кўрсаткичлар 2020 йил биринчи чорагига ўтган йилларнинг мос даврига нисбатан ўзгаришлар келтирилган:

#### **2- жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ ўсиш динамикаси<sup>4</sup>.**

	2018 1-чорак	2019 1-чорак	2020 1-чорак
ЯИМ (млрд.сўм)	72,6	93,1	110,5
Аҳоли жон бошига (минг.сўм)	2 220,0	2 794,0	3 253,0

Юқоридаги жадвалдан маълум бўладики, Ўзбекистонда ЯИМ охирги 3 йилнинг 1 чоракларида 72,6 миллиард сўмдан 110,5 миллиард сўмгacha ортиб борган бўлиб, аҳоли жон бошига 2 220,0 миллион сўмдан 3 253,0 миллион сўмгacha бўлган суммага ортган.

Қўйидаги жадвалда эса мамлакатимизда амалга оширилаётган асосий воситаларга инвестициялар тўғрисида маълумот келтирилган:

#### **3- жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикасининг асосий воситаларга инвестициялар бўйича**

<sup>1</sup> <https://www.worldbank.org/en/country/uzbekistan/overview>) сайт маълумотлари асосида.

<sup>2</sup> <https://www.nordeatrade.com/en/explore-new-market/uzbekistan/economical-context>) сайт маълумотлари асосида.

<sup>3</sup> Жадвал [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>4</sup> Жадвал [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



## кўрсаткичлари<sup>1</sup>.

	2017	2018	2019
Асосий воситаларга инвестициялар (млрд.сўм)	72 155,2	124 231,3	189 924,3
Ахоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар (минг. сўм)	2 227,8	3 769,6	5 655,8

Юқоридаги жадвалдан мамлакатимизда асосий воситаларга инвестицияларнинг ўсиши 2019 йилда олдинги 2 йилга нисбатан юқори даражада ўсиб, 189 924,3 миллиард сўмни ташкил қилиб, бу эса 2018 йилга нисбатан ярим бараварига ошганини англатади. Иқтисодиётнинг асосий бўғини сифатида тижорат банклари фаолияти муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунда банкларнинг асосий кўрсаткичларини ўрганиш иқтисодиётга баҳо беришда асосий омил ҳисобланади. Тижорат банкларининг иқтисодиётнинг асосий тармоқларига ажратилган банк кредитлари қуидаги жадвалда келтириш мумкин:

### 4- жадвал

#### Банк кредитларининг тармоқлар бўйича ажратилиши<sup>2</sup>.

№	Тармоқлар	2017	2018	2019
1	Саноат	45 223	66 690	75 636
2	Қишлоқ хўжалиги	4 742	9 422	17 205
3	Қурилиш соҳаси	3 424	5 880	5 930
4	Савдо ва умумий хизмат	5 246	10 786	14 480
5	Транспорт ва коммуникация	16 205	20 913	23 516
6	Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	472	2 746	3 302
7	Үй-жой коммунал хизмати	996	1 821	2 512
8	Жисмоний шахслар	13 600	24 427	39 934
9	Бошқа соҳалар	20 665	24 705	29 065
	<b>Жами</b>	<b>110 572</b>	<b>167 391</b>	<b>211 581</b>

Юқоридаги жадвалдан тижорат банкларининг иқтисодиётнинг турли тармоқларига ажратилган кредит қўйилмалари тўғрисидаги маълумотни кўришимиз мумкин. Бунда барча соҳаларда ажратилган кредитларнинг миқдори охирги 3 йил давомида доимий ўсиш тенденциясига эга бўлган.

### Хуроса ва таклифлар.

Тадқиқот натижаларини қуида келтириб ўтамиз:

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишида пандемия заарли оқибатларини юмшатиши борасида иқтисодиётимизнинг тармоқ таркибини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда қишлоқ хўжалик экинларини интенсив ҳолда етишириш чораларини кўриш ва уларга банк кредитларини нисбатан кўп миқдорда ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ахолининг томорқа хўжалигидан кенг фойдаланишига имкониятлар яратиш ва уни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизнинг ташқи қарзини қайтаришда хорижий валютага бўладиган талабни меъёрида ушлаб туриш имконини беради.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини янада ривожлантириш, бу орқали импорт учун хорижий валютага бўладиган талаб миқдорини нисбатан камайтириш, бунинг натижасида миллий валютамизнинг қадрини тушиб кетишини олдини мумкин ҳисобланади.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Статистика метамалумотлари [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) расмий сайт маълумотлари
3. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) расмий сайт маълумотлари
4. [www.nordeatrade.com](http://www.nordeatrade.com) расмий сайт маълумотлари

<sup>1</sup> Жадвал [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>2</sup> Жадвал [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.